

Some Problems And Solutions In Digitalizing Human Resource Management In Customs Authorities

Rustamov Vohidjon Arashovich

Chief Inspector of the Human Resources Development and Management Department of the Customs Committee, Lieutenant Colonel of the Customs Service

Email: vrustamov1988@umail.uz

Abstract: This article systematized the factors that led to the digitization of data in the direction of human resource management of the bodies of the state customs service of the Republic of Uzbekistan and the stages of digitization to this day, and analyzed the indicators of the system's efficiency today.

Key words: Human Resource Management, Regulatory Legal acts, personnel information, information and communication technologies, digitization, information system.

Божхона Органларининг Инсон Ресурсларини Бошқаришни Рақамлаштиришдаги Айрим Муаммо Ва Ечимлар

Рустамов Воҳиджон Арашович

Божхона кўмитаси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси бош инспектори, божхона хизмати подполковниги

Email: vrustamov1988@umail.uz

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг инсон ресурсларини бошқариш йўналишида маълумотларни рақамлаштиришга сабаб бўлган омиллар ва рақамлаштиришнинг бугунги кунгача бўлган босқичлари тизимлаштирилди ҳамда тизимнинг бугунги кундаги самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Инсон ресурсларини бошқариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ходимлар тўғрисидаги маълумотлар, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамлаштириш, ахборот тизими.

Аннотация: В данной статье систематизированы факторы, способствовавшие оцифровке данных органов государственной таможенной службы Республики Узбекистан в направлении управления человеческими ресурсами, и этапы оцифровки на сегодняшний день, а также проанализированы показатели эффективности системы на сегодняшний день.

Ключевые слова: Управление человеческими ресурсами, нормативно-правовые акты, информация о персонале, информационно-коммуникационные технологии, цифровизация, информационная система.

Кириш

Бугунги замонавий шароитда божхона органларида инсон ресурсларини бошқариш соҳасини рақамлаштириш ва такомиллаштириш ходимларнинг хизмат самарадорлигини ошириш ва ахборот тизимларининг самарали ишлашини таъминлашнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Ходимлар тўғрисидаги қоғоз ёки электрон (word, excel) шаклда юритилган маълумотларни таҳлил қилиш маълум вақт сарфини юзага келтиради ҳамда ушбу маълумотларни ахборот тизимларига интеграция қилишнинг имконияти мавжуд эмас.

Хусусан, божхона органларида 2018 йилга қадар ходимларнинг маълумотларини таҳлил қилиш, ходимларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳар ой якуни бўйича тайёрланадиган ҳисоботлар орқали амалга ошириб келинган.

Шунингдек, инсон ресурсларини бошқариш йўналишидаги маълумотларни рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асоси мавжуд бўлмаганлиги боис, ахборот тизимларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПФ-5414-сон Фармони[1] билан кадрлар соҳасини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асоси яратилган.

Мазкур Фармоннинг 2-бандига кўра, божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш божхона органларини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони[2] билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларига Қуролли Кучларнинг рақамли салоҳиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш масалалари киритилган.

Шу боис, божхона органларида инсон ресурсларини бошқаришни рақамлаштиришга оид бир қатор ечимини топиши мумкин бўлган вазифаларни амалга ошириш борасида илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, давлат хизмати иккига бўлинади (1-расм): давлат фуқаролик хизмати ва давлатнинг махсус хизмати.



1-расм. Давлат хизмати турлари

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни[3] нинг 2-моддасига асосан ушбу қонун давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилган.

Шунингдек, ушбу қонуннинг амал қилиши давлат божхона хизмати органларида хизматни ўтаётган давлат хизматчиларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмаслик нормаси билан белгиланган.

Божхона органлари “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни[4] га мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида” ПФ-5843-сонли Фармони[5] нинг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларидаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат давлатнинг махсус хизмати ҳисобланиши ва алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгиланган.

Шу боис, “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий аппарат комплекси ҳамда давлат фуқаролик хизмати ходимларига оид бошқа ахборот тизимлари Қуролли Қучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, божхона органлари фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб ҳамда божхона органларининг штатлари ва ходимлари тўғрисидаги маълумотлар тарқатилиши чекланган маълумотлар сирасига киритилганлиги сабабли, божхона соҳасида инсон ресурсларини бошқаришга йўналтирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва унинг ҳуқуқий асосларини яратиш зарурати юзага келмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3665-сон қарори[6] қабул қилиниб, ушбу қарорнинг 11-илоvasи билан тасдиқланган йўл харитасининг 13-бандига асосан 2018 йил декабрь ойига қадар кадрлар захирасини бошқариш жараёнини автоматлаштириш имконини берувчи “Божхона ходими” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида “Божхона ходими” ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқ тасдиқланиб, қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказилган.

Техник топшириқ асосида ахборот тизими ишлаб чиқилиб, Божхона қўмитасининг 2018 йил 18 декабрдаги 680-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган.

Бироқ, ушбу ахборот тизими янгидан ишлаб чиқилганлиги ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кадрлар йўналишида бу каби ахборот тизимлари мавжуд эмаслиги сабабли, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишда камчиликлар ва айрим муаммолар юзага келди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПФ-122-сон Фармони[7] нинг 2-илоvasи билан тасдиқланган йўл харитасининг 20-бандида 2022 йилнинг сентябрь ойига қадар ходимлар тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, сақлаш ва таҳлил қилишни рақамлаштиришга йўналтирилган “Божхона ходими” ахборот тизимини янгидан ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида “Божхона ходими” ахборот тизимининг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқ тасдиқланган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказилган.

Техник топшириқ асосида ахборот тизими янгидан ишлаб чиқилган, Божхона қўмитасининг 2022 йил 8 июндаги 134-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда “Божхона ходими” ахборот тизими ходимлар тўғрисидаги маълумотларни (махфий ва тарқатилиши чекланган маълумотлардан ташқари) тўлиқ жамлаш, сақлаш ва таҳлил қилиш имконияти эга.

Жумладан, тизимга 5000 дан ортиқ ходимлар ва курсантлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган, алоҳида ҳисобот шакллари ишлаб чиқилган. Шахсий таркиб бўйича буйруқлар ахборот тизими орқали шакллантирилади ва ходимнинг маълумотлари автоматик шаклланади.

Натижада кадрлар бўлимида хизмат олиб бораётган ходимларнинг иш самарадорлиги ортишига ҳамда ҳаражатларнинг тежалиши, шунингдек, онлайн вақт бирлигида маълумотларни олиш ва юбориш тизими таъминланади.

Ахборот тизими қуйидаги йўналишлар бўйича маълумотларни ўз ичига олади (1-жадвал).

1-жадвал

**“Божхона ходими” ахборот тизимининг йўналишлари бўйича
маълумотлар**

Т/р	Йўналишлар	Аҳамият ва натижа
1	<i>Ходим ва унинг яқин қариндошларининг маълумотлари</i>	Ходим ва унинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш имконияти яратилади; ушбу маълумотлардан бевосита ходимнинг ўзи фойдаланади, уларга ўзгартиришлар киритиб, тасдиқлаш учун кадрлар тузилмаси ходимига йўналтиради; ходимнинг объективка-маълумотлари автоматик шаклланади
2	<i>Ходимнинг маълумоти ва илмий даражасига оид маълумотлар</i>	ходимнинг маълумоти ва илмий даражаси тўғрисидаги маълумотлар автоматик шаклланади; маълумоти ва илмий даражаси бўйича ходимларни таҳлил қилиш имконияти яратилади; ходимларни лавозимга тайинлашда ушбу маълумотлардан фойдаланилади
3	<i>Ходимнинг хизмат фаолиятига оид маълумотлар</i>	ходимнинг хизмат фаолиятига оид маълумотлар шакллантирилади; ушбу маълумотлар орқали божхона органларидаги умумий хизмат стажи ҳисобланади; хизмат қилган тузилмалари ва лавозимлар бўйича таҳлил қилиш имконияти яратилади
4	<i>Ходимнинг махсус унвонлари бўйича маълумотлар</i>	ходимнинг махсус унвонлари бўйича маълумотлар шакллантирилади; навбатдаги махсус унвон олиш муддати автоматик аниқланади; махсус унвонлар бўйича таҳлил қилиш имконияти яратилади
5	<i>Ходимни рағбатлантирилганлиги ва интизомий жазога тортилганлиги бўйича маълумотлар</i>	ходимларнинг рағбатлантирилганлиги ва интизомий жазога тортилганлигининг рақамли ҳисоби юритилади; ходимнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашнинг мезонларидан бири шакллантирилади; ходимнинг объективка-маълумотлари автоматик янгиланади
6	<i>Ходимни малака ошириш ҳамда жисмоний ва жанговар тайёргарликдан ўтганлиги бўйича маълумотлар</i>	ходимларнинг малака оширганлиги бўйича ҳисоб юритилади; малака оширишнинг даврийлиги назорат қилиб борилади; жисмоний тайёргарлик даражаси баҳоланиб борилади; малака ошириш бўйича таҳлил олиб борилади
	<i>Шахсий таркиб бўйича буйруқларни шакллантириш</i>	шахсий таркиб бўйича буйруқлар рақамлаштирилади; буйруқларни электрон келишиш имконияти яратилади; буйруқларни киритиш орқали ходимларга тегишли маълумотлар автоматик янгиланади
	<i>Таътил бериш жадвали ва таътил гувоҳномаларини шакллантириш</i>	таътил жадвали ва таътил гувоҳномалари электрон шакллантирилади; таътиллар бўйича ҳисобот ва таҳлил олиб борилади; ходимларга таътилларнинг ўз вақтида берилиши таъминланади


	Меҳнатга лаёқатсизлик варақасини шакллантириш	меҳнатга лаёқатсизлик варақаларининг электрон ҳисоби юритилади; касалликда бўлган ходимлар бўйича ҳисобот юритилади
	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш йўналишидаги норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатлар	инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш йўналишидаги норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатларнинг электрон ҳисоби юритилади; кадрлар хизмати ходимларининг хизмат фаолиятида қулайлик яратилади

Таъкидлаш жоизки, мазкур тизим ишлаб чиқилгунга қадар божхона органларининг ахборот тизимларида ходимларни ягона идентификация рақамлари орқали ҳисобга олиш имконияти мавжуд бўлмаган.

Мисол учун айрим ахборот тизимлари ходимларнинг фамилияси, исми шарифи бўйича, айримларида махсус кодлар орқали, бошқаларида эса СТИР орқали идентификация қилинган.

“Божхона ходими” ахборот тизимининг жорий этилиши натижасида ходимларнинг маълумотларини уларнинг ЖШШИР орқали электрон ҳукумат платформасидан олиш имконияти яратилди. Натижада ходимларни барча ахборот тизимларида ягона идентификация қилишга эришилди.

Бу орқали инсон ресурсларини бошқариш йўналишида қуйидаги бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширишга эришилади (2-расм).



2-расм. “Божхона ходими” ахборот тизими орқали инсон ресурсларини бошқариш йўналишида муҳим вазифалар

Таъкидлаш жоизки, “Божхона ходими” ахборот тизимидаги маълумотларни йиғиш кадрлар хизмати ходимлари томонидан божхона органларида хизмат қилаётган (ишлаётган) ходимлар бўйича маълумотларни тизимда шакллантириш орқали амалга оширилди.

Бугунги кунга қадар ахборот тизимига 180 турдаги маълумотлар киритилган бўлиб, 20 ортик ҳисобот шакллари ишлаб чиқилган.

Мазкур маълумотлар қуйидаги тузилмалар томонидан шакллантирилган (3-расм).



3-расм. “Божхона ходими” ахборот тизимидаги маълумотларнинг шаклланиши

Қайд этиш лозимки, божхона органларида инсон ресурсларини бошқариш йўналишини рақамлаштириш орқали бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Маълумот учун: инсон ресурсларини бошқариш хизмати ходимлари сони 22 фоизга, қозғоз сарфи 8 бараварга қисқартирилди, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш вақти 10 баравар тезлашди, ходимларнинг хизмат фаолиятини баҳолаш мақсадида 6 турдаги мезон яратилди.

Жумладан, хизмати ходимларининг иш самарадорлиги яхшиланиб, ходимларни бошқариш қозғоз услубидан воз кечилди.

Бироқ, бугунги кунда божхона органларининг инсон ресурсларини бошқариш йўналишида ахборот-коммуникация технологияларнинг самарали ишлаши билан бир қаторда айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Масалан, таркибий тузилмаларда ходимларнинг давомати ҳисобини юритиш ҳамда уларни хизматга тақсимлаш тузилма бошлиқлари томонидан амалга оширилади ва ушбу йўналишдаги ахборот тизими мавжуд эмас.

Ходимларнинг давоматини шакллантиришда ва хизмат вазифаси бўйича тақсимлашда инсон омили мавжудлиги ҳақиқий кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда маълумотларни онлайн шаклда йиғишнинг имкониятини чеклайди.

Шундан келиб чиқиб, “Божхона ходими” ахборот тизими таркибида “Давомат” модулини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу модулнинг самарали ишлаши таркибий тузилмаларга замонавий турникетлар ўрнатиш ва маълумотларни “Божхона ходими” ахборот тизимига интеграция қилиш орқали таъминланади.

Бундан ташқари, божхона органлари ходимлари ҳамда ёрдамчи ва техник ходимлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик турлича бўлганлиги сабабли, ахборот тизимида уларнинг маълумотларини шакллантиришда муаммоларни юзага келтирмоқда (4-расм).

4-расм. Инсон ресурсларини бошқаришни рақамлаштиришдаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган вазифалар



“Божхона ходими” ахборот тизими таркибида “Давомат” модулини ишлаб чиқиш

“Божхона ходими” ахборот тизимида махсус қонунчилик ва меҳнат қонунчилиги бўйича (шаҳодатланган ҳамда ёлланма ходимлар учун) буйруқ ҳамда ҳисобот шакллари алоҳида ишлаб чиқиш

Юқорида келтирилган маълумот ва таҳлиллардан келиб чиқиб, “Божхона ходими” ахборот тизимида махсус қонунчилик ва меҳнат қонунчилиги бўйича буйруқ ҳамда ҳисобот шакллари алоҳида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

Божхона органларининг инсон ресурсларини бошқариш йўналишида ишлаб чиқилган ахборот тизимларини доимий равишда такомиллаштириб, маълумотларни рақамлаштиришда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш лозим.

Жумладан, божхона органлари томонидан “Божхона ходими” ахборот тизимининг маълумотлар базасини тўлиқ ва мукамал шакллантириш, унга асосан ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ходимларни рағбатлантириш, юқори лавозимга тайинлаш кадрлар сиёсатини юритишни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш учун кенг имконият яратилади.

Шу билан бирга, “Божхона ходими” ахборот тизимини доимий такомиллаштириш ходимлар устидан самарали назоратни амалга ошириш, кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва хизмат самарадорлигини янада оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сон Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-502-сон Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5843-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3665-сон қарори.

-
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПФ-122-сон Фармони.
7. <https://lex.uz/docs/6600413>